

ЗАРБДОР ВАХТАДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив йиллик лавири муваффақиятли бакариш учун социалистик мусобақа тобора авж олдиришда. Унда фаол қатнашадиган кўпгина коллективлар, чеварлар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар, графикадан анча илдам бормоқдалар.

Киров район Советининг депутатлари Нафиса Алимова, Барно Обидова, Мохира Иброимова ва Зулфия Галдураева ва бошқа ўнлаб тикувчилар, бичкичлар меҳ-

нат беллашувида пешқадамлик қилишди. Улар нормаларини 130—140 процентдан бажармоқдалар ҳамда фақат сифатли маҳсулот беришди. Уларнинг касбдошларидан Т. Буленко, Т. Абдуқаҳҳорова, З. Ирисова, С. Азимовалар ҳам меҳнатда кўпчиликлари ўнлаб бўлмоқдалар.

Бирлашма бўйича шу йилнинг ўтган ойларида пландан ташқари 350 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бунда ишлаб чиқариш илгорларининг муносиб ҳиссаси бор.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТ бадний буюмлар фабрикаси коллектив турли-туман кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Бу хайрли ишга ишлаб чиқариш илгорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ушбу суратда шундай пешқадамлардан попоп цехининг зарбдор чеварлари Зарифа Ҳакимжонова ва Муаттар Ғуломоваларни кўриб турибсиз. Улар нормани 180 процентга етказиб адо этишди.

М. НУРИДИНОВ фотоси.



ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

МУВАҚҚАТ ГРУППАЛАРИ ҲАРАКАТДА

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан пахта йиғим-терими янги бошланган кезларда бригада ва бўлимларда 22 та муваққат группа тuzилди. Техника ва ишчи кучларини йиғим-теримга тўла жалб этиш, иш сифати ва самардорлигини ошириш бўйича улар олдинга конкрет вазифалар қўйилди.

Группалар дастлабки кўнлардаюқ асосий эътиборини йиғим-терим суръатини оширишга қаратдилар. Хар беш кунда ўзлари бажарётган

ишлар тўғрисида совхоз партия комитети мажлисида ҳисобот бериб боришди. Йиғим-терим давомида «Дўстлик» бўлимида И. Жаҳиёев бошлиқ муваққат группа айниқса яхши ишлади. Бўлимнинг 2-бригадасида ташкил этилган бу группа терим ишларини кучайтириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди. Уларнинг бўлимида Т. Алимов, Мустафо Чачи бўлимида С. Ғозиевлар раҳбарлик қилаётган группалар ҳам терим даврида катта ташкилотчилик ишларини олиб боришди.

Муваққат группалар ҳиссаси билан совхозда пахта тайёрлаш йиллик лавири муваққатдан олдин адо этилди. Давлатга 12 минг тоннадан ортиқ хом ашё топширилди. Ленин халқ даладарда ҳосил тугатгани йўқ. Ҳозир бутун эътибор пахтанинг сўнгги миқолигача йиғиш-

тириб олишга қаратилгандир.

З. ИСРОИЛОВ, Ғалаба райони.

ПУДРАТ УСУЛИ ҚЎЛ КЕЛДИ

М. Бердибоева «Бўстонлик» совхозининг илгор ишчиси. Икки йилдирки, у оилавий пудрат асосида ишлаб ахши натижаларга эришмоқда. Бу йил М. Бердибоева оиласига 2,5 гектарлик узумзор ажратиб берилди. Ишчан оила масвум давомида давлатга 59 тонна аёло сифатли узум топширди. Ҳозирдалик гектар бошига 220 центнерни ташкил этди.

Совхоз партия ташкилоти бригада пудратини кенг жо-

рий этиш устида алоҳида қайғурмоқда. Озгача агитация кадрлари пудрат усулининг аҳамияти тўғрисида ишчилар орасида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар. 13 сийсий ахборотчи, 29 агитатор, 15 лектор ўтказётган суҳбатларнинг кўпчилиги шу мавзуга бағишланган. Эндликда оилавий пудрат асосида ишчи ташкил этиётган соҳибкорлар ҳўжаликда оз эмас. Улар ҳиссаси билан бу йил совхозда барча экинлардан мўл ҳосил олинди. Давлатга 1300 тонна картошка, 1150 тонна сабзавот, 1100 тонна мева, 600 тонна узум сотилди.

Совхоз коммунистларининг йилида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида пудрат усулини бошқа соҳаларда ҳам кенг қўллаш зарурлиги ўқтирилди.

И. ПИРМЕТОВ, Бўстонлик райони.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МЎЛ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

КЕНГ ва ёруғ цехдаги турнақатор дастгоҳларда қиз-жувоғлар ишлашди. Ҳадемай улар ишни тугатишда ва навабдаги смена бошланади. Синиса опа олдинроқ ишни тугатган ёшгина қизни тўхтатибди:

— Муҳаббат, нега дастгоҳингни тозалая кетаялсан, — деди мулойимлик билан. — Сменадошинг тозалаялди, уни. Бундай қилмагин, яхши эмас.

Синиса опа ёш касбдошича иш ўрнини саранжом-сарғити қилишда ёрдамлашди. Ёш ишчи тажрибали устоз насақчаларини самимий қабул қилди.

Мохир ишчи, коммунист, ёшлар мурабийсин Синиса Этамованин Охатарон шаҳридаги «Стойлашмас» комбинатиде ишлаб бўлмаганига йигирма йил бўлмоқда. Ҳозир комбинатнинг қуёв цехида қуёвчи бўлиб ишлади. Самарали иш

Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланган моҳир қуёвчи меҳнат фаолияти мо-бадада ўнлаб шоғирлар етиштирди.

Комбинатнинг қуёв цехида асосан пластмасдан уй-рўзгор буюмлари ва маданий-маиший моллар тайёрланади. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган корхона меҳнат ахли халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашни кўпайтиришнинг янги-янги резервларини ишга солимоқда.

— Кенг халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йиллик лавири сентябрь ойидеёқ бажариб қўйди, — дейди С. Этамова. — Жумладан, йиллик пландаги 1 миллион 206 минг ўрнига 1 миллион 250 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди. Шунинг қуёвчи билан айтиб ўтиш керакики, бундай маҳсулотларнинг барчаси юқори

сортларга қабул қилинди. Эришилган бу ютуққа корхонанинг қуёв цехи коллектив катта ҳисса қўшди. Жумладан, улар йиллик пландаги 30 минг дона ўрнига 31,5 минг дона кийим илгич, тўққиз ойлик пландаги 94,5 минг ўрнига 120,5 минг дона пластмаска челек, 70 минг ўрнига 72,4 минта болалар креслоси ишлаб чиқаришди. Бу ерда тайёрланган пластмаска тутиқича давлат Сифат белгиси берилди.

Қуёв цехида асосан комсомол-ёшлар меҳнат қилишди. Жумладан, Роза Гарифуллина, Роберт Ким, Сергей Шейкин, Ҳайдар Анваров каби ишчилар вақтдан ўзиб ишлашди. Цех коллектив меҳнат унвондорлигини ошириш эвазига шундай ютуқларни қўлга кириштирди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

1984 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ЖУМАОБОЗОР луб заводи коллектив беш йиллигининг учинчи йили лавири муваққатдан икки ой илгари адо этганини, барча ишчи-хизматчиларни янги меҳнат ғалабалари сари илҳомландирди. Ўтган давр ичида пландан ташқари 294 минг сўмлик товар маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унвондорлигини ошириш топшириғи 104 процентга етказиб бажарилиди.

Айни пайтда корхонада юксак мажбуриятларни бажариш учун бошланган ҳаракат тобора авж олмоқда. А. Гафуддинова, Н. Илёсовлар бошчилигидаги цех коллективлари илгорларча хос суръатда меҳнат қилиб, муСОбақада карвонбошилиқ қилмоқдалар. Шахсий мусобақада э.С. Абдукаримов, Д. Истаев, С. Сауровлар пешқадамликни қўлдан бермай топшириқларини эъодас билан адо этмоқдалар.

М. АКМАЛОВ.

КОРХОНА МАРКАСИ

РЕСПУБЛИКА «Госкомсельхозтехника» снга қарашли Меҳнат Қизил Байроқ ордени тажриба ремонт-механика заводи коллектив ишлаб чиқарётган маҳсулотларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу ерда тайёрланган турли хил машина-механизмлар мамлакатимизнинг деярли барча республикаларига етказиб берилмоқда. Корхонанинг чет эллик мижозлари ҳам кўпайиб бора-пти. Қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, халқ демократик, Осиё, Африка

давлатлари заводда тайёрланган машина-механизмларни кўнлаб харид қилмоқдалар.

Ўз маҳсулотни шуҳратини ошириш йўлида тиниб-тиничмаётган коллектив барча буюртмаларини вақтида бажаришга эришмоқда. Шунинг учун ҳам давлат планлари ой сайин ортиги билан адо этилаётган. Йил бошидан бозор мижозларга қўшимча юз минг сўмликдан кўпроқ турли-туман машина-механизмлар, уларга эҳтиёж қисмлар етказиб берилди.

М. СОБИРОВ.

ШУҲРАТИ

Завод цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада гидрпресс цехи олдинда бўлмоқда. Бу цех коллектив доним мукофотли ўрнларини эгаллапти, завод ишчи-хизматчиларининг меҳнат ютуқларига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Цех коллектив йил бошидан бери пландагидан ташқари йигирмадан ортиқ гидрпрессларини йиғди ва буюртмачиларга етказиб берди.

ВАЪДАГА ВАФО

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барвақт удалаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўнлаб ишчи-хизматчилар анималарига шахсий мажбуриятлар олиб ишлашди. Шуниси қувончлики, уларнинг ҳаммаси эл-орт олдида берилган вазданинг тўла улдасидан чиқмоқда, ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан фабрика коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 16 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — масвум бошдан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган (процент ҳисобида), туртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

«Коммунизм»	137,56	146,13	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	130,73	138,04	Бўка
«Фрунзе номи»	129,12	134,88	Бўка
«Партия XIX съезди»	124,91	122,25	Бўка
«Ленинизм»	123,13	121,98	Бўка
«Политотдел»	122,29	128,15	Коммунистик
«Ленин номи»	119,43	94,55	Бекобод
«Свердлов номи»	118,73	101,73	Пискент
«Победа»	117,14	99,38	Ғалаба
«Ленинизм»	116,89	143,96	Оққўрғон
«Лениннинг йўли»	114,04	118,51	Коммунистик
Охунбобоев номи	112,06	113,91	Ўрта Чирчиқ

Навоий номи	111,92	171,27	Оққўрғон
Темиров номи	111,58	116,93	Бўка
Ҳамза номи	110,97	110,57	Бўка
«Ленинбод»	110,59	106,11	Бўка
«Коммунизм»	110,30	72,49	Ўрта Чирчиқ
Икромов номи	109,70	104,05	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	109,35	78,12	Янгийўл
Охунбобоев номи	109,16	74,80	Пискент
«Ленинград»	108,39	72,34	Ғалаба
Навоий номи	108,16	88,36	Чиноз
Жамбул номи	107,19	105,15	Бўка
Мичурин номи	106,13	99,68	Бўка
Куйбишев номи	106,13	112,88	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	105,92	74,29	Оққўрғон
Энгельс номи	105,85	77,42	Ғалаба
Калинин номи	105,89	91,88	Пискент
«Ленин йўли»	105,67	114,13	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXII съезди»			
Энгельс номи	105,61	62,98	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номи	105,49	77,21	Ўрта Чирчиқ
К. Маркс номи	104,92	89,91	Чиноз
Свердлов номи	104,59	59,58	Ўрта Чирчиқ
«Октябрь 40 йиллиги»	104,28	80,33	Чиноз
Ильин номи	104,22	103,17	Бўка
Охунбобоев номи	103,63	104,62	Оққўрғон
«Ўзбекистон»	103,59	100,36	Коммунистик
«Победа»	103,34	110,02	Коммунистик
«Партия XX съезди»	103,00	95,37	Бўка
«ЎзССР 30 йиллиги»	102,89	96,55	Чиноз
«Ленин йўли»	102,78	94,12	Бўка
Вотинцев номи	102,29	82,26	Оққўрғон
Терешкова номи	102,17	78,99	Ўрта Чирчиқ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ САБЗАВОТ—МЕВА ЙИЛ БЎЙИ МЎЛ БЎЛСИН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси, Ўзбекистон телевидениеси, шаҳар савдо инспекцияси билан ҳамкорликда бу йил аҳолини сабзавот-мева билан қандай таъминлаётгани ҳақида бир неча бор рейдлар ўтказди. Мазкур рейдин ўтказишдан мақсад эса юз берган камчиликларга барҳам беришдир, йўқини, шунини аниқлаш. Иккинчидан қиш фаслида аҳолини сабзавот-мева билан таъминлаш қандай бўлади? Учунчи масала ҳам бор. Аввалги рейдларимизда шаҳар аҳолисини сабзавот-мева билан таъминлашда йўл қўйилган камчиликлардан бири — колхоз-совхозлар билан «Ташплодоовошч» бирлашмаси ўртасида тузилган шартномаларнинг реал эмаслиги, шунингдек, шартномаларнинг бажарилимас-

лиги натижасида магазин пештахталари бўш туриб қолаётгани, натижада бозорда сабзавот-меванинг қиммат бўлаётгани ва бу кишиларнинг жиддий эътирозларига сабабчи бўлаётганлиги фактлар асосида келтирилган ва таъкид қилинган эди.

1983 йилнинг ўн бир ойи ўтиб борапти. Колхоз ва совхозлар тез орада келаси йил учун режалар, планлар туза бошлайди. Бизнинг тақдирларимиз ана шу планларда аҳоли эҳтиёжи тўла-тўқис ҳисобга олинса, шартномалар реал бўлса, қўғозда қолиб кетмас, 1984 йилда шаҳар аҳолисини йил бўйи сабзавот-мева билан мўл-кўл таъминлаш имконияти яратилса, рейдимиз ана шу муаммоларга бағишланади.

га олинган ҳолда тузилишига эришиш лозим.

ҚИШДА НОЗ-НЕЪМАТЛАР ЭЪТИЁЖГА ЯРАША БЎЛАДИМИ?

БИЗ бу саволга жавоб топиш мақсадида «Ташплодоовошч» бирлашмасида қишга тайёргарлик ва сабзавот-мева савдоси қандай ташкил этилиши билан қизиқдик. Фактлар шунини кўрсатдики, бу йил ва келгуси йил бошида шаҳар аҳолисини сабзавот-мева билан мўл ва сифатли таъминлаш йўлида аввалги йилларга нисбатан катта ишлар қилинбди. Бирлашмага қарашли комбинатларда бўлди, уларда қиш фаслига сабзавот-мева ғамлаш қизғин давом этаётганлигининг гувоҳи бўлди. Жумладан, «4-сабзавот-мева комбинатида» бўлганимизда омборларга жуда кўплаб картошка, сабзи, олма ва бошқа ноз-неъматларнинг йиғилганлигини кўрдик. Бу комбинатда 7,5 минг тонна сабзавот-мева сақлашни лозим бўлгани ҳолда ҳозир 11,5 минг тоннадан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилди ва саралаш қўйилди. Комбинат директори Мансур Назаров бу йил сабзавот-мева сифатли сақлаб, аҳолига етказиб беришда олиб борилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. Чунотки, 1983 йилнинг ўзида 2 минта контейнер келтирилди. Бу эса таъминлаш маҳсулотини сифатли сақлаш имконини берди. Шунингдек, комбинатда бир қатор янги ускуналар ўрнатилди.

«Биз «Ташплодоовошч» бирлашмасига қарашли қолган комбинатларда бўлганимизда ҳам қиш фаслида шаҳар аҳолисини сабзавот-мева билан таъминлашда бир мунча илгор тажрибалар тулганлигининг гувоҳи бўлди. Масалан, бу йил барча комбинатларда планда кўрсатилган 81 минг 600 ўрнига 85 минг 300 тонна картошка сақлашга қўйилди. Бу кўзда тутилганидан 14,5 минг тоннага кўпроқ. Шунингдек, планда белгиланган 94 минг 520 ўрнига 98 минг 104 тонна сабзавот, 30 минг 780 ўрнига 42 минг 291 тонна пизез, 13 минг 480 ўрнига 14 минг 872 тонна помидор, 10 минг 360 ўрнига 10 минг 521 тонна мева, 3850 ўрнига 4425 тонна узум, пландагига нисбатан бир ярим минг тоннадан кўпроқ полиз маҳсулотлари музохоналарда сақланмоқда.

Қуз, қиш, баҳор мавсумида аҳолини сабзавот-мева билан таъминлаш ўтти йилга нисбатан пухта ташкил этилди, — деди биз билан суҳбатда «Ташплодоовошч» бирлашмаси директорининг ўринбосари Абдуқаҳҳор Маъдалиев, — 1982 йили сақлашга қўйилган олма-ларнинг асосий қисми стандарт бўлиб, уларнинг 50 процентга яқинини қайта ишлашга жўнатишга мажбур бўлган эдик. Бу йил сақлашга қўйилган олма-ларнинг 85—90 процентини биринчи, иккинчи сортлидир. Ўтган йили аҳолига 2 минг тоннадан кўпроқ олма сотилган бўлса, бу йил 6,5 минг тонна яъни ўтган йилдагига нисбатан уч баравардан кўпроқ олма тортиқ қилинади. Бундан ташқари, барча сабзавот-меваларни сифатли ғамлаш ва уларни сақлаш йўлида бир мунча янги механизмлар ўрнатилди. Шубҳасиз бу тадбирлар шаҳарликларнинг тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Шу йил ёз бозорда картошканинг нархи 2—3 сўмгача, сабзининг нархи икки сўмгача кўтарилди. Бошқа хил сабзавот ва мева-лар ҳам айрим ойларида жуда қимматлашиб кетди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунга асосий сабаб шартномаларнинг бажарилишмаси, айни пайтда, белгиланган муддатларда ҳосилнинг етилмаганлигидир. Натижада сабзавот-мева билан харид қилувчи магазинларда етарли асортиментда маҳсулотлар бўлмади ва бозорда нарх-наво кўтарилди кетди.

1983 йилнинг ўн биринчи ойи ҳам ўтиб борапти. Колхоз ва совхозлар келгуси йил ҳосили ҳақида қайғурмоқдалар. Шартномалар тузиладиган вақтга жуда оз қолди. Ҳозирдаюқ ишчи пухта ташкил этилиши, шартномаларни аҳоли эҳтиёжи, барча ресурслар ҳисоб-

БОЗОРДА САРХИЛ, МАГАЗИНДА ЭСА...

Биз бу сафар рейдини тўппа-тўғри бозордан бошлашга қарор қилдик.

«Ой» бозорининг қатма-қат расталари. Чўгдек қизил олмалар, ширага тўлган ноклар, олтиндек тобланган ҳасайин-хусайин узумларини кўриб ҳавасингиз келадими. Растадаги йиринчир, қирмизи олмангиз баҳосини сўрайин. Сотувчи 4 сўм деб жаавоб берди.

Ешгинга йигит узум сотмоқда. — Узум неча пул? — Тўрт сўм. — Нок беш сўмгача, помидор икки ярим сўмгача. Баъзи харидорлар мева-ларнинг нархини эшитиб чўчиб тушгандек бўлишди... Ҳўш бундай қимматчиликка сабаб нима?

Бизнингча, шаҳардаги сабзавот-мева, магазинларида доимо ҳам ноз-неъматлар мўл-кўл бўлмади. Агар пештахталар қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сероб бўлганида эди, бозорда баҳо бунчалик баланд бўлмади.

Келинг, гапдан ишга ўтайлик. Ойи бозори территориясига жойлашган «Ташплодоовошч» бирлашмасига қарашли, энг йиринч сабзавот-мева, магазинлардан бири ҳисобланган ушбу павильонга қирайлик. Аввалги рейдимизда ана шу 1-магазинида камчиликлар, хусусан, сабзавот-меваларнинг асортименти, маҳсулотларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги таъкид қилинган. Бу гап ҳам шундай ҳолингиз гувоҳи бўлди.

Контейнерлар, пештахталар сабзавот-мева-ларга тўла эмас. Шолғом, қарам, бодиринг, сабзи, картошка бор. Мева-лардан фарғатгина олма ва беҳи. Улар ҳам сўлиган, уринган. Биз магазин директори Артем Абелович Вартазаровдан бундай камчиликларнинг сабабини сўраганимизда у шундай деб жаавоб берди:

— Бугун ёрдамчиларим мол олиб келишга кетишган, эртдан, албатта, кўпайтириб юборамиз.

Биз эртасига ҳам худди шу магазинга қадам ракинчи қилдик. Ленин сезиларли ўзгаришини кўрдик. Бир-мунча қарам, бодиринг келтирилди. Мева жуда кам ва сифатсиз.

Бугина эмас, «Ташплодоовошч» бирлашмасига қарашли бир қатор магазинларда бўлганимизда ҳам шундай аҳволнинг гувоҳи бўлдик.

Бозордаги нарх-навоини тушуришда шубҳасиз колхоз дўконларининг роли катта. Кейинги йилларда колхоз-ларга қарашли магазинларнинг сони жуда камайиб кетганлиги сир эмас. Ҳозир шаҳримиздаги бозорларда колхоз дўконларининг сони 16 тага етди. Ленин бу эҳтиёжга нисбатан ҳали жуда оз. Бунинг устига мавжуд дўконларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда ишламайди.


Ойи бозори территориясида, Оржоникидзе районидида Ленин номи, «Правда», «Коммунизм», «Қизил Ўзбекистон», «Маданият», Тошкент районидида «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг дўконлари бор. Биз рейд давомида, яъни икки кун бу дўконларнинг иштини кузатдик. Олти мага-

зиндан бор-йўғи иккитаси ишлади, холос.

Афсус билан айтиш керакики, айрим хўжаликларга қарашли магазинлар жуда камдан-кам савдо қилади. Оржоникидзе районидида «Маданият», «Правда» колхозларининг дўконлари кўпинча берк бўлади, очилганда ҳам харидор истган сифатли моллар бўлмади.

Бу йил бозорга шахсий хўжаликлардан 56 минг тоннадан кўп сабзавот-мева келтириб сотилди. Бозор территориясида олти дўконда эса бор-йўғи 249 тоннагина мева, сабзавот реализация қилинди.

Биз хўжаликларнинг барча дўконлари ёмон ишламоқда, демоқчи эмасмиз. Масалан, Оржоникидзе районидида Ленин номи, Тошкент районидида «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари шаҳарликларини йил бўйи сабзавот-мева билан таъминлаш ишига масъулият билан қарамоқдалар. Бу хўжаликларга қарашли дўконларда қиш-ёзи очик ва доимо сархил маҳсулотлар сотилади.

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎЗГАР МУХБИРЛАРИ ХАВАР ҚИЛАДИЛАР****ИЖРОЧИ — СТУДЕНТЛАР**

М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг студентлар театри П. И. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси премьерасини кўрсатди. Асосий партияларни юқори курс студентлари, ёш профессионал артистлар ижро этидилар.

Мана йигирма йилдики, Тошкент консерваторияси қошида опера студияси ишлаб туришти. Республикада опера санъатини кең пропаганда қилиш — студиянинг ваазифасидир. Бу ерда бўлган вокалчилар ижрочилиги маҳоратини оширадилар.

Студентлар опера театри муваффақияти билан ижро этилган янги спектакль билан Тошкент, Чирчиқ, республикадаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар меҳнатқиллари, йуқори ёшларни таништирадилар.

КИЧКИНТОЙЛАР ИХТИЁРИДА

Тошкент районидagi Ленин номи колхозда йигиртерм маъмурида иштирок этаётган аёлларга кўнглик яратиш мақсадида хўжалик правлениеси ёнida меҳмонхона болалар боғчасига айлантирилди.

Бунинг учун 20 минг сўм маблағ ажратилди. Хоналарда зарур инвентарлар, шунингдек, телевизор, турли ўйинчоқлар кичкинтойлар ихтиёрида.

Болалар билан амалий машғуллор ўтказиш учун ҳам махсус хоналар жиҳозланди.

3 МИНГДАН Ортиқ КОНЦЕРТ

ШУ КУНЛАРДА областимиз пахта далаларида 148 агитконцерт бригадаси пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Улар томонидан ҳозиргача уч мингдан ортиқ концерт кўрсатилди.

Дам олиш оқшомлари ташкил этили, илгор пахтакорлар ҳаётига бағишланган маъносиз варақалари, «Чақмоқлар чиқаришда ва концерт программаларининг танзимлашда Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Олмалик шаҳри ҳамда Ўрта Чирчиқ, Янги-Ўл, Оққўрғон районларининг агитбригадалари бошқаларга намуна бўлишмоқда.

ҲАМ ТЕРМИЧ, ҲАМ КИНОМЕХАНИК

ОБЛАСТЬ кинолаштириш бошқармасига қарашли 70 та кўча кинокурлима ўз хизматини далада кўчирган. Шаҳарлар ва районларнинг таърибиди киномеҳаникларидан иборат бу отряд кундузи пахта териб, кечкурунлари клубларда ўз кадрдон аппарати ёнида турб фильмлар намойиш қилмоқда.

— Биз мавсум бошдан буй «Дала меҳнатқиллари силор учун» фестивалида актив қатнашиб келияпти — дейди Ўрта Чирчиқ районининг «Коммунизм», Куйбисhev номи, Ажал Икромов номи колхозлари бўйча киномеҳаник Қарамон Телебоев. — Асосан далада ишлаётганлардан тушган буюртмаларни бажаришга ҳаракат қилишимиз.

Шу кунгача кўрсатилган кино сеанслари орасида қишлоқ хўжалик тематикасидаги ва ҳужжатли фильмлар салмоқли ўрин тутди. Янги-Ўл, Пискент районларида эса бошқа жойлардаги нисбатан бадий фильмларга бўлган талаб ортмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Х. С. Сулаймонов номидаги Кўлемалар институтини Совет Иттифоқидagi шарқ кўлемалари санъатидан энг йирик илмий марказлардан бирига айланиб бормоқда. Кўлемалар институтини фондидagi бир неча минг асарлар Яқин ва Ўрта Шарқда яшаган жуда кўп шоирлар ва олимларнинг адабий ва илмий меъросларидан иборат. Ана шу бой мерос орасида ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири, буюк давлат арбоби Алишер Навоий асарларининг кўлемалари мусоиб ўрин эгаллайди.

Яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти босиб чиқарган М. Ҳақимовнинг «Навоий асарлари кўлемаларининг тавсифи» номи китоби мазкур институт фондидagi Навоий асарларининг кўлемаларини ўрганиш ва тавсифлашга бағишланган. Истеъдодли олим, филология фанлари кандидати М. Ҳақимов институт фондига (собиқ Адабиёт музейи фондига) 1938 йилдан 1981 йилгача келиб тушган Алишер Навоийнинг 24 асарининг 254 кўлемаси нусхасини жиддий равишда ўрганиб чиқиб, ушбу тадқиқотни яратди.

Китоб сўзбоши, кўлемалар тавсифи ва кўрсаткичлардан иборат. Сўзбошида муаллиф фондидagi Навоий асарлари кўлемаларининг Ўрта Осиё китоб тарихида, ўзбек адабиёти манбашунослигида тушган ўрин ва аҳамиятини ҳар тарафлама таҳлил қилиб беради.

Навоий асарлари XV асрдаёқ кўплас нусхаларда кўчирилиб, узоқ-узоқ ўлкаларга етиб борган эди. Кейинги беш аср давомида эса оддий китоблардан тортиб санъаткор хаттотларгача Навоий асарларини қозлаб, минглаб нусхаларда кўчирилган. Буларнинг ҳаммаси тарих таъқоси, халқнинг талаб ва эҳтиёжлари билан амалга оширилган. Навоий асарларининг кўп сонли мана шу нусхалари биринчидан, унинг инсонпарварлиги ва халқпарварлиги, бойлардан баҳраманд бўлиш, иккинчидан, олийжаноб аъёнларнинг давом этишири.

учинчидан, ҳар бир давр китоб санъати ва ҳунармандчилигининг нозик маҳсули сифатида юзага келди.

М. Ҳақимов Навоий асарлари кўлемаларини ўрганиш жараёнида нусхаларнинг ҳар хил китобат хилларини аниқлади. Жумладан, Навоий асарлари кўлиёт шаклида, «Хазойин ул-маоний» ахлит ҳолда, унинг таркибидagi девонлар алоҳида-алоҳида тартибда, тарма девонлар шаклида, «Хамса» бутун ҳолида, унинг таркибидagi достонлар алоҳида кўчирилган нусхалар, насри асарларининг бир неча

бат тиллари ва кўчирилиш тарихи хронологиясига катъий ривож этилган ҳолда жойлаштирилган. Дастлаб бешта кўлиёт кўлемаси тавсифланади. Улардан 316 инвентар рақамли тўплам Навоий кўлиётининг катта ҳажмли ноб нусхаларидан ҳисобланади. Бу кўлиёт Навоийнинг ўн саккиз асарини ўз ичига олиб 1824—1830 йилларда Абдурахим ибн Муҳаммад Фозил Қошғарий томонидан кўчирилган. Яна тўртта кўлемаси тўла маънода кўлиёт бўлмасада, кўлиёт даражасига яқин турувчи нусхалардир. Уларнинг

Айниқса, кичик ҳажмли тарма девонларининг кўпласи тўлиқ шайрият нақадар оммалашиб кетганидан, халқ қалбини ўта забт эта олганлигидан даража беради. «Хазойин ул-маоний»даги фақат газаллардан танлаб олинган «Ғазалиёт» девонлари ҳам борки, булар шоир газалларини ашула қилиб, мақом йўлларида солиб қўйлаган халқ ҳофизларининг эҳтиёжлари учун тузилган.

Кўлемалар институтидagi Навоий «Хамса»сининг қирқ тўрт нусхасини М. Ҳақимов тавсифлаб ўз китобига ки-

асрларга мансуб бўлиб, улар Хирот, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда китобат этилган. Бу нусхалар қадимий ҳаттотлик ҳамда бадий китобат санъати намунаси бўлганлиги билан фан учун алоҳида қимматлидир. XVIII—XIX асрларга тегишли нусхалар Тошкент, Қўноқ, Хоразм, Шахрисабз, Қошғар ва бошқа шаҳарларда кўчирилган.

Китобнинг сўнгидagi бир неча кўрсаткичлар берилган. Булар гоёта синхроник билан тузилган бўлиб, Навоий асарлари кўлемаларидан фойдаланувчиларга катта қўлайлик туғдиради. Ҳаттотлар кўрсаткичда Али бин Нур, Махмуд Шаҳобий, Мунис Хоразмий, Худойберган Девон каби қатор шоир ва олимларнинг номларини ўқиймиз.

Истеъдодли олим М. Ҳақимов ҳар бир кўлемани синхроник таъриф-тавсиф қилар экан, унинг манба сифатидagi аҳамиятини айтиш билан бирга китобат ишига алоқадор барча ҳусусиятларини ҳам қамраб олади. Кўлеманинг бадий санъатига, ҳаттига, қоғозига, муқованинг материал ва безакларига доир ҳамма тафсилотлар мукаммал ўз аксини топади. Муаллиф ҳар бир кўлемаси баҳо берганда шу кўлемаси иккундай асар бўлиш билан бирга халқ ҳунармандчилигининг ҳам аълоий маҳсули эканлигини доимо назарда тутди.

Хулоса қилиб айтганда филология фанлари кандидати М. Ҳақимовнинг бу катта илмий иши навоийшуносликка қўшилган аризулик ҳиссадир. Чунки бу иш орқали илмий жамоатчилик биринчи марта Кўлемалар институтини фондидagi Навоий асарлари кўлемалари билан танишишга мумкин бўлади. Шу билан бирга мазкур иш мамлакатимиздаги ва хориждаги шаршунослик фондидagi Навоий асарлари кўлемаларини қиёсий ўрганишда ҳам қўлайлама вазифасини ўтайди.

Ҳар бир кўлемаси тавсифланганда теътириш бошланганда ва охири алоҳида қайд этилган, кўчирилиш вақти, ўрин ва китоби берилган. Бундай маълумотларни айнан келтириш манбашуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Тавсифдан ўтган кўлемаларнинг ўнтаси XV—XVI

ШОИР МЕРОСИНING УЛКАН ҲАЗИНАСИ

ТАҚРИЗ

си жамланган нусхалар, алоҳида кўчирилган нусхалар. Тадқиқотчи, жуда тўғри таъкидлагандек, Навоий асарларининг хилма-хил китобат қилиниши турли давр ва турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик заъкининг ифодаси ўлароқ юзага келган.

М. Ҳақимов китобининг катта қисми кўлемалар тавсифига бағишланган. Муаллиф кўлемаларини тавсифлашда совет манбашунослигида ҳозиргача қўлга киритилган таърихлардан фойдаланди. Шу билан бирга ҳар бир кўлеманинг ўз ҳусусиятини келиб чиқиб, уни тавсифлашга иккундай ёндашди. Энг аввало тавсиф оқшомидан нусхаларини Навоий меросини ўрганиш учун хизмат қила оладиган илмий қийматларини еритишга эътибор беради. Сўнгга кўлеманинг китобат ишига доир белгиларни ўз аксини топади. Айрим қадимги ва нодир нусхалар монография тавсифдан ўтказилди.

Китобда кўлемалар кито-

ҳар бири Навоийнинг ўн биттадан асарини жамлаган. Кўлемалар институтидagi Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»га қадар тузган девонларидан «Бадое ул-бидой»нинг 1486 йили Хиротда машҳур ҳаттот Али бин Нур томонидан кўчирилган ягона нусхаси мавжуд. Бу кўлемаси шоирнинг ҳаётлик вақтида китобат этилганлиги билан гоёта таърих ҳисобланади. Ушбу нусха шоир шайриятининг иккундай таъкидларини ўрганишда навоийшунослик — матншуносликга бебаҳо хўжнат бўлиб хизмат қилмоқда.

Тавсифланган кўлемалар орасида «Хазойин ул-маоний»нинг ахлит нусхалари, девонларнинг алоҳида кўчирилган нусхалари, тарма девонлар бор. Уларнинг таркибига кирган жанрлар ва шайрлар миқдори аниқ берилган. Девонлар таркибининг муфассал тавсифи этилиши шоир шайриятининг турли даражадаги кўлемаларини қиёсий таълимида катта имконият туғдиради.

ритган. Хусусан, 23 рақамли нусха XIX асрга оид бўлсада, ниҳоятда мўтабар кўлемалар. Унинг қиммат жиҳати шундаки, таркибидagi достонлар мазмунига ишланган 47 та миниатюра бор. Бу расмлар XIX аср биринчи армияда Қўноқда минатюра санъатининг давом этганлигидан гувоҳлик беради.

Алишер Навоийнинг қатор насрий асарлари «Маҳбуб ул-қуллуб», «Мақолис ун-нафос», «Вакфий», «Мезон ул-авзон», «Муншаот» ва бошқаларнинг кўлемалари ҳам узоқ йиллар давомида институт фондидagi тўплами борган. Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида тавсифдан ўтказилди.

Ҳар бир кўлемаси тавсифланганда теътириш бошланганда ва охири алоҳида қайд этилган, кўчирилиш вақти, ўрин ва китоби берилган. Бундай маълумотларни айнан келтириш манбашуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Тавсифдан ўтган кўлемаларнинг ўнтаси XV—XVI

РЕКЛАМА
Эълонлар
«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
СССР биринчилиги учун
«А» классининг биринчи лига командалари ўртасида
ХОККЕЙ
19, 20 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «МОЛОТ» (Пермь).
23, 24 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — УРИЦКИЙ НОМЛИ СПОРТ КЛУБИ (Қозон).
29, 30 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ЕНБЕК» (Олма-Ота).
Уйинлар шайба ва яшанба кўнлари соат 17.00 да, иш кўнлари эса соат 18.30 бошланади.
«ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассаларида билетлар сотилишмоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заъвақалар қабул қилинади.
Қуйдаги телефонлар бўйича саваллар олиш мумкин:
касса — 46-03-12, 46-70-31; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

асрларга мансуб бўлиб, улар Хирот, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда китобат этилган. Бу нусхалар қадимий ҳаттотлик ҳамда бадий китобат санъати намунаси бўлганлиги билан фан учун алоҳида қимматлидир. XVIII—XIX асрларга тегишли нусхалар Тошкент, Қўноқ, Хоразм, Шахрисабз, Қошғар ва бошқа шаҳарларда кўчирилган.

Китобнинг сўнгидagi бир неча кўрсаткичлар берилган. Булар гоёта синхроник билан тузилган бўлиб, Навоий асарлари кўлемаларидан фойдаланувчиларга катта қўлайлик туғдиради. Ҳаттотлар кўрсаткичда Али бин Нур, Махмуд Шаҳобий, Мунис Хоразмий, Худойберган Девон каби қатор шоир ва олимларнинг номларини ўқиймиз.

Истеъдодли олим М. Ҳақимов ҳар бир кўлемани синхроник таъриф-тавсиф қилар экан, унинг манба сифатидagi аҳамиятини айтиш билан бирга китобат ишига алоқадор барча ҳусусиятларини ҳам қамраб олади. Кўлеманинг бадий санъатига, ҳаттига, қоғозига, муқованинг материал ва безакларига доир ҳамма тафсилотлар мукаммал ўз аксини топади. Муаллиф ҳар бир кўлемаси баҳо берганда шу кўлемаси иккундай асар бўлиш билан бирга халқ ҳунармандчилигининг ҳам аълоий маҳсули эканлигини доимо назарда тутди.

Хулоса қилиб айтганда филология фанлари кандидати М. Ҳақимовнинг бу катта илмий иши навоийшуносликка қўшилган аризулик ҳиссадир. Чунки бу иш орқали илмий жамоатчилик биринчи марта Кўлемалар институтини фондидagi Навоий асарлари кўлемалари билан танишишга мумкин бўлади. Шу билан бирга мазкур иш мамлакатимиздаги ва хориждаги шаршунослик фондидagi Навоий асарлари кўлемаларини қиёсий ўрганишда ҳам қўлайлама вазифасини ўтайди.

Ҳар бир кўлемаси тавсифланганда теътириш бошланганда ва охири алоҳида қайд этилган, кўчирилиш вақти, ўрин ва китоби берилган. Бундай маълумотларни айнан келтириш манбашуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Тавсифдан ўтган кўлемаларнинг ўнтаси XV—XVI

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Ғарбий Берлин бирлашган социалистик партияси правленисининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: шахримиз аҳолисининг кўпчилиги Ғарбий Европа мамлакатларида «Першинг-2» ва қанотли ракеталарни жойлаштиришга ҳарши қилмоқда.

● **ФРИТАУН.** Африкада катта ўшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш, ҳозирги замон талабларини ҳамда қиёсий социал-иқтисодий ва маданий ривожлантириш мафратларини ҳисобга олган ҳолда маориф системасини таркимлаштириш масалалари бу ерда очилган халқор конференциянинг диққат марказида турибди. Конференция ишида Африкадаги 21 мамлакат намоёндалари иштирок этмоқда. (ТАСС).

● **ТОКИО.** Япония пойтахти-Токиода катта ўшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш, ҳозирги замон талабларини ҳамда қиёсий социал-иқтисодий ва маданий ривожлантириш мафратларини ҳисобга олган ҳолда маориф системасини таркимлаштириш масалалари бу ерда очилган халқор конференциянинг диққат марказида турибди. Конференция ишида Африкадаги 21 мамлакат намоёндалари иштирок этмоқда. (ТАСС).

● **УЧ ҒАЛАБА**
Қўл тўла бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигаси катнашчилари биринчи давра ўйинларини Токио шаҳрида ўтказмоқдалар. Тошкентнинг «Текстиль» қизлари стартик муваффақиятли бошладилар. Улар майдон эгаллари — «Буревестник» гандболчиларини, Белгород ва Қиш-нев командаларини мағлубиятга учратдилар. Спортчиларнинг бу ерда яна иккунта ўйин ўтказишди.

● **КУБОК УЙИНИЛАРИ**
Пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейбол бўйича СССР кубоги муسابакалари давом этмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» қизлари биринчи кун Москванинг «Метрострой» командасини 3:2 ҳисобида, иккинчи кун эса Запорожьенинг «Орбита» командасини 3:0 ҳисобида енгишти. Тошкент турнирида жами 6 команда қатнашмоқда.

● **ИККИНЧИ ЛИГАГА КИМ ЧИҚАДИ?**
Физкультура коллеж-тивлари ўртасида Ўзбекистон футбол чемпионатининг сарваш ўйинларидagi жами 25 команда қатнашди. Уч гуруҳида ўтказилган ўйинлар тугади. Биринчи гуруҳида Косовский, иккинчи гуруҳида Анджонининг «Текстиль» унвиги гуруҳида Туркунининг «Шелин» командалари ғолиб келиб, финалга ўтдилар. Кечга Қиёрий стадионда ала шу уч датвогар ўртасида баҳс бошланди.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент област комитети ва халқ депутатлари Тошкент област советининг органы

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325787, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомуҳбир — 325894.

ТЕАТР
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/ХI да Парвона, 19/ХI да Шошма, куш

МУНИЦИПАЛЬ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/ХI да Олифтар, 19/ХI да Тошкентнинг нозанин малikasi (15.00).